ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
ҚЎМИТАСИ

Биржа савдоларида манипуляция ҳаракатлари ва турлари :

Уни содир этганлик учун жавобгарлик ва ҳуқуқий чоралар

Юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдолари орқали сотишда назорат қилиш асослари




Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни *(ЎРҚ-850, 03.07.2023й.)*

Биржа савдоларини ўтказиш чоғида рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган тақиқланган ҳаракатлар белгиланди



Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида *(№ПҚ-430, 24.11.2022й.)*

Фақат биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар рўйхати 46 тага етказилди



Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида *(ВМҚ №170, 18.03.2020й.)*

Биржа савдоларида юқори ликвидли ва (ёки) монопол турдаги маҳсулотларни сотиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган



Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида *(ВМҚ №687, 30.11.2022й.)*

Биржа савдоларида нархлар манипуляцияси, ички (инсайдерлик) маълумотлардан фойдаланиш ва асоссиз даромад олишнинг рақобатга зид бошқа усулларидан фойдаланишнинг олдини олиш Қоидалари тасдиқланган

Манипуляция

- Биржа нархларининг ўтган савдоларга нисбатан кескин ошиши, талаб ёки таклифнинг жиддий номутаносиблиги кузатилган тақдирда, монополияга қарши курашиш органи **нархларнинг ошиш сабабларини** ва **манипуляция** аломатлари мавжудлигини ўрганади.
- Биржа иштирокчилари қасддан қилинган ҳар қандай ҳаракатлари **манипуляция** деб ҳисобланади ва уларни амалга ошириш тақиқланади.

Манипуляция аломатлари

- Биржа савдоларида сотилаётган юқори ликвидли ва (ёки) монопол маҳсулотнинг нархига, талабига, таклифига ва уни етказиб бериш шартларига **сунъий равишда таъсир этиш**, **шу жумладан**, олдиндан келишиш ва тил бириктиришлар орқали асоссиз фойда олиш, муайян иштирокчиларга савдоларда қатнашиш учун **имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш**, **шунингдек**, ахборотдан фойдаланиш орқали бошқа иштирокчиларга маҳсулотни **сотиб олиш имкониятини чеклаш**, биржа нархларининг кескин кўтарилиши, қатъий белгиланиши ёки **бир даражада ушлаб туриш**;

- **Биржа шартномаси** бўйича йирик, яъни барча харидорларга савдоларда **тенг қатнашиш** имкониятини чеклайдиган лотлар белгилаш

Давоми...

- Биржа **расмий веб-сайтига** савдога қўйиш жадвалларини жойлаштирмаслик;
- Маҳсулотларни савдога қўйиш жадвалларида уларнинг ҳажмларини **форвард ва спот** шартномалари бўйича асоссиз равишда номувофиқ қўйиш;
- Форвард шартномаси бўйича маҳсулотни **бир ойдан кам** бўлган муддатда юклаб жўнатиш;
- Савдога қўйиш **жадвалларида белгиланган ҳажмлардан кам миқдорда маҳсулотларни савдога қўйиш**;

Манипуляция содир етганлик учун жавобгарлик

- **Монополияга қарши курашиш органи ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича манипуляция** ва **нархларни асоссиз оширилган ҳолатлар аниқланганда**, **қонунчиликда белгиланган чораларни кўради**.

- **Биржа савдоларидан** четлатилган ҳажмларда маҳсулотларни тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, шу жумладан, **экспортга сотиш ҳолатлари аниқланганда**, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган ҳажмни сотиш нархи билан биржа савдоларида бир хил турдаги маҳсулот бўйича ўртача ҳисобланган биржа котировкалари (нарх) ўртасидаги фарққа кўпайтириш орқали ҳисобланган маблағлар олиб қўйилади.

- Маҳсулотларни тегишли жадвалларда назарда тутилган муддатлар ва ҳажмларда қўйилмаган тақдирда сотувчидан маҳсулотни биржа савдосига қўйишнинг охирги санасида шаклланган биржа нархи билан унинг иштирокидаги олдинги савдолар биржа нархи ўртасидаги **тафовут**, сотувчи томонидан савдоларга қўйилмаган товарнинг ҳажмига кўпайтирилган маблағлар олиб қўйилади.

- **Форвард** шартномалари бўйича маҳсулотларни **бир ойдан кам** бўлган муддатда юклаб жўнатилиши ҳамда маҳсулот юклаб жўнатиш навбати бўйича кетма-кетликка амал қилмаслик ҳолатлари аниқланганда тузилган **форвард** битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади ва **сотувчига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Эътиборингиз учун рахмат!

2025-йил